

ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

J. Ro'ziev,

Samarqand davlat chet tillar instituti tadqiqotchisi

(Tel: +99897 288-54-14)

(jruziev@mail.ru)

АННОТАЦИЯ Ушбу мақолада таълим тизимида инновацияларни жорий қилишнинг ижтимоий аҳамияти фалсафий таҳлил қилинган. Шунингдек, инновацион таълимни рационал асосида ташкил этиш, ўзгартиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш, инсон онги ақлу идрокидаги янгиликка ўчлик, эҳтиёж, инновацион тафаккур ён-атрофини ўзгартиришга янгиласига қаратилган субъектив фаолияти, инновацион тафаккурга оид илмий ёндашувлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: инновацион тафаккур, ривожланиш, фуқаролик жамияти, таълим, тараққиёт, ахборот, демократия, танқид, инновацион ғоя, интерактив метод, баҳс, ижтимоий жараён.

“Инновация” сўзи латинчадан олинган бўлиб, “ин” ичига, “новация” янгилик деган маъноларни англатади. Демак, “инновация” ичкарига олиб кириш маъносини англатади. Ижтимоий фалсафий моҳиятига кўра, у “объектнинг олдинги тараққиётида бўлмаган маданий воқелик, ўзгариш, янгилик, фаолият жараёнида қўлланиладиган янги усул, восита, механизмлардир” [1.Б.268]. Унинг марказида маълум бир ғоя, дунёқараш туради. Демак, инновацион тафаккур янгилик олиб киришга қаратилган маълум бир ғоя, дунёқараш ҳисобланади.

Инновация латин тилидан олинган бўлиб, янги нарсанинг маълум бир соҳага кириши, унга имплементация қилиниши ва бу соҳада бир қатор ўзгаришларнинг пайдо бўлишини англатади [2.Б.78]. Инновация бир томондан, янгиликни татбиқ этиш, амалга ошириш жараёни, бошқа томондан, бу янгиликни умуман объект эмас, балки маълум бир ижтимоий амалиётга айлантириш фаолияти сифатида ёндашилади. Ижтимоий амалиёт бунда жамият бу янгиликни қабул қилиши ва шу янгиликка кўникиб яшаши тушунилади.

Шу билан бирга инновация тушунчаси турли хил талқинда қўлланилади. Бир ёндашувда "инновация" сўзига "янгилик, янги урф-одатлар, буюртмалар жорий этилиши" деб таъриф берилган [3.Б.15]. Айрим тадқиқотчилар фикрича инновация – бу янги ғоялардан муваффақиятли фойдаланиш ҳисобланади [4.Б.72]. Бунда янги ғоялардан шунчаки фойдаланиш эмас балки, бутун бир тизимга таъсир қиладиган даражада ундан фойдаланиш назарда тутилади. Айнан ана шу хусусияти билан

“инновация” тушунчаси “янгилик”дан фарқ қилади. Уларнинг боғлиқлиги эса ҳар қандай инновация бу янгилик орқали жорий этилади.

Агар маълум бир ижтимоий амалиётда ҳар қандай инновация пайдо бўлиши ва амалга оширилишининг тўлиқ цикли схемасини кузатадиган бўлсак, инновацион фаолиятнинг бир қанча йўналишларини қайд этиш мумкин. Жумладан, тадқиқотчи Говрелюк унинг қуйидаги йўналишларини алоҳида қайд этади:

- инновация манбаи (илм-фан, сиёсат, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт ва бошқалар);
- инновацион таклиф (янгилик, ихтиро, кашфиёт, рационализация);
- инновацияларни амалга ошириш бўйича фаолият (технология) (ўқитиш, амалга ошириш);
- инновацион жараён (амалиётда инновацияларни илдиз отиш шакллари ва усуллари) [5.Б.295].

Бугунги кунда тараққиётнинг локомативи шубҳасиз илм ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан илмни асоси бўлган таълим самарадорлигини ошириш масаласи доим жамият учун муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб таълимда турли самарадор воситаларни, технологияларни қўллашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Муҳими, давлатлар қамровли ислохотларни олиб бориб катта натижаларга эришмоқдалар.

Глобаллашув шароитида инновацияларга эҳтиёж ҳам ўсиб бормоқда. Бу инновацияларни жорий қилиш самарадорлик ва рақобатбардошликни кафолати сифатида намоён бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан инновациялар жамият тараққиётининг барча жабҳаларида жумладан, таълимда ўсишни таъминламоқда ва бу бутун тизимни мазмуни ва шаклини ўзгартирмоқда. Энг муҳими бундан одамлар манфаатдор бўлиб, уларнинг турмуш тарзи ва тафаккурида тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Таълимдаги инновация ёки инновацион таълимни ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд. Аввало инновацион таълим илмий-ижодий рационал фаолият натижаси ҳисобланади. Унинг асосий мақсади илмий янгилик ва кашфиётларни моддийлаштириш билан бирга осон ва самарали йўллар билан синдириш ҳисобланади. Жараённи циклини изоҳлайдиган бўлсак, агар илмий соҳадаги ихтиро ёки янгилик моддий товарга айланади. Иқтисодий даромад келтиради ва бу жараён инновацион ҳисобланади, ишлаб чиқарилган ва жорий қилинган маҳсулот инновацион жараён давомида бозор янгилиги бўлади. Биз масалани иқтисодий нуқтаи назардан таҳлил қилдик энди фалсафий таҳлил қилсак. Инновацион жараёнларнинг суръати ва турли -туманлиги, инновацияларнинг фанлараро йўналишга ажратишни талаб этади. Бу эса унинг фалсафий акс этиши учун қийинчиликлар туғдиради. Инновация, бир томондан, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг бир усули бўлса, бошқа томондан, бу беқарорлик, қийин башорат қилинадиган оқибатлар ва хатарларнинг манбаи бўлиб, бу ўзгаришлар, стресс ва қарамлик даражасининг ошишига олиб келади, ижтимоий жиҳатдан шахснинг унга мослашишнинг мураккаблиги билан изоҳланади. Буларнинг барчаси хавотирли ҳиссиётларни, яъни яқинлашиб келаётган глобал антропологик фалокат ҳиссини

шакллантиради. Демак инновацион таълимнинг ижтимоий-фалсафий ривожланиши билан боғлиқ истиқболли, инсонпарвар усулларига эҳтиёж мавжуд. Ана шу эҳтиёж фалсафий тафаккур ёрдамида қондирилади. Тадқиқотчилар ушбу изланишларни, инновацияларнинг муаммолари ва предмет соҳаларини кенгайтириб, янги усулларни ишлаб чиқишни, шу жумладан хатарлар ва ижтимоий оқибатлар билан ишлашни, инновацияларни ишлаб чиқариш шартлари билан ҳамда инноваторларнинг узок муддатли ва ижтимоий жавобгарлигини таклиф этадилар.

Бугунги кунда фан оламига кириб келган тушунчаларнинг ҳар бири жамиятнинг мавжуд имкониятлари кенгайиб бораётганлигини, бу жараёнда таълим тизимининг ўрни муҳимлиги барчамизга аён бўла бошлади. Юртимизда ижтимоий тараққиёт жараёнида таълим тизимида бўлаётган ўзгаришлар жаҳонда ўзини намоён этиб келаётган инновацион технологиялар асосида содир бўлмоқда. Бундай жараёнлар бевосита жамиятда фалсафий тафаккурнинг ҳам ривожланиши учун долзарб ҳисобланади. Таълим тизимида фалсафий фанларнинг ўқитилишига алоҳида эътибор қаратиш, ҳар бир ўсиб келаётган авлод онгида инновацион ғояларни тасаввур қилишга қодир мантиқий тафаккур шакллантириш долзарб саналади. Чунки жамиятнинг тараққий этиб боришида фалсафа фанининг ўрни муҳим эканлигини барча ҳам англай олмайди. Шу боисдан фалсафий тафаккурга эга инновацион технологиялар фан ўқитувчисининг маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқ. Жамиятда “бугунги кун фалсафа ўқитувчиси ўз талабаларини бир вақтнинг ўзида ҳам серқирра билим, ҳам яхши тарбия асослари, ҳам юксак ижод намуналари билан таништириб бориши, шунинг билан бирга уларнинг яралиши сирларидан бохабар этиши ҳам керак. Шу тарзда фалсафа ўқитувчиси жамиятга бир вақтнинг ўзида ҳам мантиқий тафаккур қобилияти ривожланган, ҳам юксак ахлоқли, ҳам соф ва олийжаноб элитар маданият эгаси бўлган, яъни ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга бўлган баркамол авлодни етиштириш вазифасини бажаради” [6.Б.12-13]. Бундай ижодкорлик туйғулари ўқитувчида инновацион ғояларнинг қонуниятлари ва тамойиллари шаклланишига хизмат қилади.

Жамиятда таълимнинг узлуksизлигини таъминлаш асносида ёшларимизда теран фалсафий тафаккур, илмий мушоҳадага чорловчи инновацион ғояларнинг шаклланишига шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак. Бунинг учун узлуksиз таълим тизимидаги ўзаро алоқадорликни шакллантириш, барча соҳалардаги сингари таълим тизимининг ҳам амалий аҳамият касб этиш жараёнларига эътибор қаратишимиз лозим. Бу борада юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган инновацияларнинг кундан-кунга долзарблашиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Таълимдаги бундай тубдан янгиланаётган ўзгаришларда фалсафий фанларнинг ҳам алоҳида ўрни борлигини унутмаслигимиз даркор. Табиий ва аниқ фанлар ишлаб чиқаришга инновацияларнинг кўпроқ олиб кирадиган бўлса, фалсафий фанлар жамиятни бошқаришда, инсоннинг маънавий камолоти билан боғлиқ инновацион таълимга

муҳтожлик сезади ва бу анча мураккаб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам инновацион технологияларнинг таълим тизимидаги ўрнини кўрсатиб беришда ҳам фалсафий мушоҳадага таяниш, ижтимоий муҳит учун яратилаётган янгиликларнинг қай даражада хизмат қилиши масалаларини ҳам чуқурроқ англаш лозим.

Жамиятда таълимнинг марказида инсон ва унинг келажаги туришини англаб етар эканмиз, биз ундан самарали фойдаланиш йўллари излаб топишимиз, таълимнинг барча бугунларида инновацион технологияларни мақсадли жамиятга йўналтиришимиз даркор. Таълим жараёнининг барча иштирокчилари бир мақсад сари бирлашиши, тизимда юксак марралар сари интилиши, таълимнинг узлуксизлигига эришиш учун меҳнат қилишлари лозим. Таълимда юз бераётган инновацион ёндашувлар, миллий қадриятларга муносабатлар ва самарадорликка эришиш йўллари замонавийликни тақозо этмоқда. Бугун биз учун «маънавий савиямиз ва умумий, шу жумладан, сиёсий маданиятимизни оширишда эса ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан фалсафа фанининг аҳамияти беқиёсдир. Айнан фалсафа фанида табиат, жамият ва инсон тафаккурининг энг умумий ривожланиш қонуниятлари ўрганилади, талаба ёшларда илмий-фалсафий дунёқараш шакллантирилади. Диалектиканинг қонунлари ва категорияларини, билиш назарияси, жамият ва инсоннинг моҳияти, мантиқ, этика, эстетика фанларининг асосий қоидалари ўргатилади ва булар ҳар томонлама етук ҳамда маданиятли, дахлдорлик ва масъулият ҳиссига эга бўлган ёш авлод тарбияланишида муҳим аҳамиятга эгадир» [7.Б.311].

Таълим тизимини мустаҳкам моддий-техник база билан таъминлаш, жойларда янги асрнинг замонавий ғояларига тайёр турадиган фидойи, билимдон, маънавиятли ёшларни тарбиялаш ишларининг жадаллик билан олиб борилаётганлиги барчамиз учун қувонарли ҳолдир. Лекин таълимда замонавий инновацион технологиялар муайян олимлар томонидан яратилсаю, уни тушунадиган, амалиётга жорий қиладиган кадрлар тайёрланмаса бу ҳам катта муаммога айланади. Шунинг учун ҳам ривожланган давлатларнинг инновацион технологияларини таълим тизимига жорий этишимиз учун, аввало, инновацияни тушунадиган кадрларни хорижда тажриба алмашишига эътибор қаратишимиз даркор. Бу борада давлатимиз раҳбари доимий равишда ўзларининг таклиф ва тавсияларини бериб келмоқдалар. Таълимда инновацияларни ишлаб чиқиш борасида сўз юритар эканлар, “ҳозирги юксак технологиялар асрида мустаҳкам иймон-этиқод билан бирга замонавий илм-фан, касб-хунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаш, инновациялар соҳасидаги ютуқларни чуқур ўзлаштириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш барқарор тараққиётга эришишнинг энг муҳим шарти эканини яхши тушунамиз” [8.Б.483], дейдилар.

Тадқиқотчи Б.Амоновнинг фикрича, “Таълим тизимининг модернизациялашда қуйидаги устувор вазифалар ҳал қилинади: - ҳар бир шахснинг тўлақонли таълим олишида бошқалар билан тенг ҳуқуқлилиги ва таълим олишнинг очиқлигини таъминлаш; - узлуксиз таълим тизимида янги сифат кўрсаткичларига эришиш; - янги

таълим ресурсларини жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш асосида узлуксиз таълим тизимида самарали меъёрийҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий механизмларни шакллантириш; - давлат ва жамиятнинг қўллаб-қувватлаши негизида тизим ходимларининг мақоми ва касбий компетентлигини ривожлантириш” [9.Б.118].

Бизга маълумки, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга оширишдаги асосий тамойиллардан бири - бу таълим тизимини тузилиши ва мазмун жиҳатдан ислоҳ қилиш учун ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, малакасини мунтазам ошириш, юқори малакали, рақобатга қодир мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштириш ҳисобланади. Инновация тушунчаси тадқиқотларда “янгилик яратиш” тушунчаси сифатида кўриб чиқилади, инновацион жараён тушунчаси эса янгилик яратиш ва уларни ўзлаштириш ҳамда таълим муассасаси амалиётида самарали қўллаш жараёни сифатида ифодаланади.

Бугунги кунда фалсафа соҳасида янги илмий йўналиш – фалсафий инновацион технологиялар ва таълим жараёнини янгилаш ғояларининг пайдо бўлиши натижасида ўқитувчининг педагогик фаолиятида ҳам янги йўналиш “ўқитувчининг инновацион фаолияти” тушунчаси пайдо бўлди.

Фалсафада инновация, инновацион фаолият, фалсафий инновация, таълимда инновацион жараёнларни бошқариш каби тушунчалар XX асрнинг 60-йилларида дастлаб, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида “таълим технологияси” тушунчаси эътироф этилган вақтда пайдо бўлди. Ўша вақтдаёқ Европада педагогик инновациялар маркази ва институти ташкил этилди. Бундай ёндашувларнинг пайдо бўлиши ва инновацион таълим назариясининг яратилиши тарихи таҳлили шуни кўрсатадики аввало унинг замирида гуманизм ётади. Яъни бу инновацион технологияларни таълим тизимида киритиш орқали таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш билан бирга шахс ижтимоийлашувини таъминлаш, бу борада муайян муваффақиятларга эришиш учун таълим жараёнида болага дўстона муносабатларни шакллантиришга уриниш натижасида вужудга келди. Энди таълим зурвонлик(қалтаклаш)ка асосланган жараён эмас, балки қизиқарли шу билан бирга самарадор жараён бўлишга интилиш кучайди. Шунга ундов эса биз юқорида таъкидлаганимиздек таълимдаги ёндашувга фалсафий ёндашув ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб инновация таълимнинг фалсафий кўринишлари қуйидагилардан иборат:

- ғоялар;
- тизим ёки фаолият йўналишини такомиллаштиришга қаратилган мантиқий усуллар;
- тафаккур билан боғлиқ ноанъанавий ёндашувлар;
- самарали ташаббуслар;
- инновацион илғор методлар ва ҳ.к.

Фалсафий инновациялар муҳим аҳамиятли бўлиб, бир тизимда шакланган янгича ёндашувлардир. Улар янгиликлар ва ташаббуслар асосида тузилиб, таълим мазмуни

ривожги учун истиқболли бўлади, шунингдек, умуман таълим тизими ривожига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, таълимда педагогик технологияларга асосланиш ва инновацияга интилиш, ўқувчиларни фаоллаштиришга қаратилган турли интерфаол методлардан фойдаланиш таълим мақсадини самарали амалга оширишга ёрдам беради. Инновация - бу янги ғоялардан муваффақиятли фойдаланиш. Қайси соҳага инновация жорий қилинадиган бўлса у бутун тизим самарадорлигига олиб келиши керак. Удоимий такомиллаштиришга асосланган бўлиб, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда рақобатбардош устунликларни яратади. Шу нуқтаи назардан инновациялар соҳанинг келажакдаги барқарорлиги учун жуда муҳимдир. Инновация инновацион фаолият маҳсули бўлиб доимий изланишга, янги билимларни ўрганишга асосланади. Шубҳасиз, инновацияларнинг афзалликлари фақат таълимга тегишли эмас. Аммо таълим орқали технологиялар, ихтиролар, маҳсулотлар, ниҳоят, ғоялар бошқа соҳаларга ҳам тарқалади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Новейший философский словарь. Сост. А.А.Грицианов. - Минск: Изд. В.М.Скакун, 1998. С.268.
2. ДахлВ. Изоҳли луғат. -М.: Наука. 2018., с.-78.
3. Завадовский В. В. Общефилософская методология инновационного образования // Философия образования. 2011. № 6. С. 8–15.
4. Суровцев И. С. Инновации и инновационная деятельность. –Воронеж:-2015. 72 с.
5. А.Говрелюк. Развитие культуры инновационной деятельности в организации. Государственное управление. Экономическое вестник №73 апрель 2019. Стр.286-295.
6. Кулдошев А. Фалсафа фанини ўқитишда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш. Услубий кўлланма. – Самарқанд, 2019. 12-13-бетлар.
7. Долиев С.С. Ижтимоий инновацияларнинг фуқаролик жамияти шаклланишидаги роли // “Хорижий тилларни ўрганишнинг инновацион технологиялари” халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. –Самарқанд, 2019. 10-11-октябрь. 311-бет
8. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. -Т.: Ўзбекистон, 2-жилд, 2018. 483-бет.
9. Амонов Б. Жамиятни модернизациялашнинг концептуал асослари // Монография. – Тошкент, Aloqachi, 2019. –118 бет.